

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 751-ҳадис

751 – عَنْ أَبِي مَسْعُودِ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَعَا رَجُلٌ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِطَعَامٍ صَنَعَهُ لَهُ حَامِسَ حَمْسَةٍ، فَتَبِعَهُمْ رَجُلٌ، فَلَمَّا بَلَغَ الْبَابَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ هَذَا اتَّبَعَنَا؛ فَإِنْ شِئْتَ أَنْ تَأْذُنَ لَهُ، وَإِنْ شِئْتَ رَجِعْ» قَالَ: بَلْ آذُنُ لَهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ
2081, م 2036].

751. Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши таом ҳозирлаб, бештанинг бири қилиб Набий соллаллоху алайҳи васалламни чақирди. Уларга бир киши эргашди. Дарвозага етиб келгач Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Мана бу киши ҳам бизга эргашиб келди. Хоҳласанг, унга изн берасан, хоҳласанг, қайтиб кетади»**, дедилар. У: «Йўқ, унга изн бераман эй Аллоҳнинг расули», деди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бошқа ривоятда куйидагича келган:

Абу Шуъайб исмли бир киши ўзининг қассоб ходими олдига келиб:

«Менга беш кишилик таом тайёрлаб қўй, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг юзларида очликни кўрдим», деди.

У таомни тайёрлади. Сўнгра Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга одам юбориб, у Зотни ва бирга ўтирганларни даъват қилди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам туриб жўнаганларида даъват қилинган пайтларида бўлмаган бир киши ҳам уларга эргашди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эшик олдига етиб келганларида манзил соҳибига:

«Сен бизни даъват қилганингда биз билан бўлмаган киши бизга эргашиб келди. Агар изн берсанг киради», дедилар.

«Батаҳқиқ, унга изн бердик, кираверсин», деди у».

(Имом Термизий ва икки Шайх ривоят қилишган).

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган хулосалар:

1. Абу Шуъайб розияллоҳу анҳунинг зийракликлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга меҳрибонликлари. Улуғ кишиларнинг атрофларидаги одамлар ана шундоқ бўлишлари лозим.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа кишилар мулоҳаза қиладиган даражада оч қолишга дучор бўлган кунларни ҳам бошларидан кечирганлари.
3. Уйда таом тайёрлаб оч қолган кишиларни таомлантириш савобли иш экани.
4. Даъват қилинмаган одам валийма бор жойга бормагани маъқул экани, борса ҳам алоҳида изн сўраб, кейин кириши лозимлиги.
5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юксак одоблари. Аввало, эргашган одамга сен қол, демадилар. Сўнгра Абу Шуъайб розияллоҳу анҳудан чақирилмаган кишига изн беришни сўрадилар.

Ҳар бир мусулмон киши ушбу одобларга эътибор бериб, ўрганиши, уларга амал қилиши зарур.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI